



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

2016 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2016 йил 7 март душанба кунига кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 феврал

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Соғлом она ва бола — мамлакатимиз таянчи

Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифи билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди

“Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май кунини Ўзбекистоннинг биринчи давлат муқофоти — “Соғлом авлод учун” орденини топириш маросимиде айтган ушбу теран маъноли сўзлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Утган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш ҳақидаги сиёсатини таъминлаш соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилиши туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб гоёни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида эътибор-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кўли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қўнунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қўнунини лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишдан қатъи назар) нисбатан жиноят қўнунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузайтиш ишлари қўлла-нилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган туза-тишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гурӯҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

>>(2).

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 11 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари Жамғарма ташкил этилганидан буён, хусусан, 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр юритди.

— Биз катта орзу-ниятлар билан 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этган эдик, — деди Юртбошимиз. — Мана, орадан 14 йил ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун биз нафақат 2015 йилда, балки ана шу ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизга ҳам тўхталасак ўринли бўлади. Болалар спортини ривожлантириш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида махсус Жамғарма ташкил қилиб, ўз олдимишга қўйган вазифаларни адо этишда биз нималарга эришганимиз ҳақида, қандай ҳулосалар чиқаришимиз зарурлиги ҳақида гаплашиб олсак, айни муддао бўлар эди.

Биринчидан, фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбига спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш — мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлаб олганимиз ҳаммамизга яхши маълум. Фарзандларимизни болаликдан — асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиш, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик.

Мажлисда шу борада мамлакатимизда эришилаётган натижалар айни ра-

қам ва мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришганидан яққол далolat беради.

Иккинчидан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланидиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бормоқда. Масалан, айни шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ютуқларимиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Айниқса, фарзандларимиз биз учун мутлақо янги бўлган нуфузли гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшак эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланаётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидеги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсупларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради, деди Президентимиз.

Илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти ухлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий

санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовуларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кечали тарихимиздан яхши маълум.

Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган ана шундай оғир вазият туфайли 2000 йилда ҳар 100 миң боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалинган эди.

Кейинги йилларда кенг қўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз натижасида бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижа сифатида албатта барчамизни қувонтиради, деб қайд этди Ислам Каримов. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳар қайси ота-она ўз оиласи, ўз фарзандлари мисолида кўриб, спортнинг бу борадаги таъсири ва аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда.

Учинчидан, қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишларимиз ҳақида ҳам алоҳида тўхта-

либ ўтишимиз зарур. Бу кўрсаткичлар 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган, ҳоло. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани барчамизга мамнунийет келтирди.

Вилоятлар миқёсида олиб қараганда, 2015 йилда қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши Фарғона вилоятида 47,6 фоизни, Наманган вилоятида 47,5, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида 47,4 фоизни ташкил этгани эътиборга лойик, албатта.

Бу ишларни янада изчил давом эттиришимиз керак, деди Президентимиз. Чунки қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлоднинг дунёга келтириб, воғга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг мева-си бўлиши бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Қизларимизни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида аёл мураббиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада махсус қарорлар қабул қилганимиз ўз самарасини бермоқда, деди давлатимиз раҳбари. Илгари спорт соҳасида аёл мураббияларни топиш қийин эди. Қишлоқ жойларда бундай мутахассислар деярли йўқ эди.

>>(2).



ЁШЛАР ЖИСМОНИЙ МАҲОРАТ ОШИРМОҚДА

Бухоро шаҳридаги сув спортга ихтисослаштирилган 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 120 га яқин ёшлар дарсдан бўш вақтини самарали ўтказмоқда.

Замонавий спорт масканида сузиш, жамоавий бадий сузиш бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Мактабда ёш спортчилар маҳоратини синовдан ўтказиш мақсадида гуруҳлар ўртасида жамоавий мусобақалар мунтазам ташкил этилади.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎА) олган суратлар.



Турли тармоқлар ва бир мақсад

>> 3



Кичик бизнесга мустаҳкам қанот

>> 4

14 феврал — Заҳридин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Эзгуликдан юксалган чўққи

Бутун қоинот кўёш таъсиридан четда қолмаганидек, ижодда Навоий таъсири ўтмаган ўзбек шоири йўқ. Бобур бадий ижодни бошлаганида Навоий ҳали ҳаёт эди. “Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда, — дейди Бобур, — Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва гағво бўлди”.

Демак, “Навоий ўз умрининг сўнгги йилида гойибона равишда Бобурни эшитиб, унга қизиқди ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлади. Ун тўққиз яшар фарғоналик ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узоқ Ҳиротдан кўра олган Навоий ҳамма гениал шоирларга ўхшаб ундаги ҳақиқий талантни илган бўлса, эҳтимол, Албатта, Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин”, деган эди Мақсуд Шайхзода. Бобур бутун умри ва ижоди давомида Навоийнинг халқ, ватан, инсон меҳру муҳаббатини тарғиб этувчи улғу ва ибратли мактабидан таълим олди. Мана шунинг учун ҳам, атоқли адибимиз Ойбек сўзлари билан айтганда, Бобур поэзияси Навоий поэзияси кўёши нурларида барқ уриб ривожланган эди.

Бобур учун Навоий “назира йўқ” устод эди. У бошқа шоиру ёзувчилардан кўра Навоийга ортиқроқ, мунтазамроқ эргашди, унинг “туркий тил биле” айтилган кўп ва ҳўб ижодиётини шеърятдаги биринчи ва доимий мактаби деб билди. Бу ҳақда қуйидаги факт ҳам маълум бир тасаввур бериши шубҳасиз. Бобур эъти: “Одина кунини ойнанинг йиғирма учиде (1519 йил) Алишербекнинг турт девонидин бўхур, авзон тартиби биле газаллар ва абётким, интихоб қилилорур эди итмоминга етди”. Бобур Навоийдан аввало, ҳаётга, инсонга эътиқодни, юксак ва сунёмас туйғу ҳақда гоаяларга содиқликни ўрганди; умуминсоний масалаларни давр ва тарих воқеа-ҳодисалари билан мустаҳкам алоқда бадий тадқиқ этиш, шеърини қалб ва руҳ ойнаси даражасида етказиш сирларини ўзлаштирди.

>>(4).

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Қ(1). Ана шуларнинг барчасини инobatта олиб, юксак малакали спорт мураббийлари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини 2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганида, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошганида кўриш мумкин.

Тўртинчидан, болаларимиз келажagini ўйлаб олиб бораётган мана шундай ишларимиз фарзандларимизнинг жисмоний камолотида ўзининг амалий ифодасини топмоқда, деб таъкидлади Ўртабшомимиз. Масалан, Ўзбекистонда бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келадиган 14 ёшли ўғил болаларнинг улуши бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича 97,9 фоизни, Наманган вилояти бўйича 97,6, Қашқадарё вилояти бўйича 97,1, Бухоро вилояти бўйича 96,8 фоизни, мамлакатимиз бўйича 94,2 фоизни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, 14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи кейинги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметрга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни шу йўлда амалга оширган ишларимизнинг яна бир муҳим натижасини ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда 86,3 фоизга етгани, уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметри, вази эса 6,2 килограммга ортиб, 67,8 кило-

граммни ташкил этаётгани мисолида кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, барчамизга аёнки, спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларимиз, ёшларимизнинг соғлом қарашларини шакллантиради ва иродасини тоблайди, уларнинг мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийинчиликларни мардона энгиб ўтишга қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратди. Энг муҳими, спорт билан дўст бўлган болалар биз учун мутлақо бегона ва зарарли оқимларга қўшилиб кетмайди, деди Исло Каримов.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан барпо этилган замонавий футбол майдонларида ёшларимиз ўзларининг бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Бундай ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳаётимиз ўзгармоқда, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда, ўзимизга, ўз соғлиғимизга, келажакимизга муносабатимиз ўзгармоқда ва бу жараёнда бошқа кўпгина ижобий омиллар қатори аввало спорт катта таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчидан, ҳеч кимга сир эмас, спорт саломатлиқни мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси давлатни оламга машҳур қиладиган бекиёс воситадир. Халқаро майдонларда спортчиларимиз эришаётган ютуқлар қалбларимизда гурури-ифтихор туйғуларини уйғотади, она Ватанимизга бўлган муҳаббат ҳиссини янада юксалтиради.

Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз тараққиётида ҳар томонлама фахрлинишга арзийдиган буюк алломулар, ноёб обидалар, энгилмас саркардалар, паҳлавон ва

баҳодирлар жуда кўп бўлган. Бугун ёшларимиз ана шундай улуг аждодларимизнинг ворислари сифатида барча жабҳаларда, жумладан, спортда ҳам дунё микёсида энг юксак шожусупаларга кўтарилиб, халқимизнинг гурури ва ифтихорини оширмоқда.

Ўзингиз айтинг, эски тузум даврида жаҳон микёсида ўтадиган биронта мусобақада “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар бугунгидек жаранглаб, миллионлаб инсонлар қалбига ақс-одо берганини биров эшитганми, Ватанимиз байроғи шунчалар баланд кўтарилганини илгари биров кўрганми, деб алоҳида таъкидлади Ўртабшомимиз.

Барчамизга мамнуният етказадиган томони шундаки, истеводдлий ўғил-қизларимиз халқаро майдонларда қўлга киритаётган катта галабалари билан Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини таъкидлаш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар кизимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритганини, ёш икtidорли мусикачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлганини ва уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин эканини айтиш жоиз.

Мен мана шундай юксак марраларни қўлга киритаётган болаларимизни миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азму шижоатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари билан минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлмоқда, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳ-

лантирмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз спорт ҳижозлари ва кийимлари ишлаб чиқаришда уларнинг сифатли, қулай, халқаро стандартларга мос бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, спорт анжомларини ишлаб чиқариш учун лицензия беришни йўлга қўйиш, бу борада ҳам рақобат муҳитини ривожлантириш кераклиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, сузиш ҳавзаларида улар учун қулай шароит яратиш, бунинг учун хотин-қизлар кўмиталарининг фаолигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Еттинчидан, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда санъат тарбияси, мусика тарбия ҳам бекиёс аҳамиятга эгадир. Чунки жисмоний тарбия ва спорт одамнинг иродасини тарбиялаб, соғлигини мустаҳкамлашга хисса қўша, мусика санъати унинг руҳига озик беради, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказиши.

Мусика эшитиладиган, мусика билан шуғулланиладиган одам ёмонликдан албатта узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз болалар спорт объектларини қуриш билан бирга, болалар мусика ва санъат мактабларини барпо этиш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз.

Бу борадаги ишларимизнинг дастлабки натижаларини мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, эътиборга молик катта ишларни амалга оширганмииз аён

бўлади, деди Исло Каримов.

Бугунги кунда юртимиздаги 157 қишлоқ туманида 191 болалар мусика ва санъат мактаблари барпо этилди. Баъзи ҳудудларда, мисол учун, Андижон вилоятининг 14 туманида 20 та, Самарқанд вилоятининг 14 туманида 19 та, Қорақалпоғистон Республикасининг 14 туманида 16 та, Фарғона вилоятининг 15 туманида 16 та мусика ва санъат мактаблари қурилиб, замонавий мусика асбоблари, юксак малакали педагоглар билан таъминланган, бошқа вилоятларимизда ҳам шундай ишлар олиб борилаётгани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Мутлақо янгича асосда бунёд этилган айнан ана шундай таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида замонавий билим ва касб-хўнаранларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажagini ўз қуч-қуввати, ўз ақл-заковати билан қурайдиган ёш авлодимиз камол топаётгани барчамизни чекиз қувонтиради.

Ана шундай ёшларга эга бўлган, ўз олдига юксак ва улук мақсадлар қўйиб яшаётган халқни ўз йўлидан асло тўхтаб бўлмайди, ўз мақсад-муддаоларига албатта эришади, деди Президентимиз.

Мажлисида мамлакатимизда 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилгани халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани бу қарор эл-юртимизнинг айни кўнглидаги муддао бўлганидан далolat бериш таъкидлаб ўтилди.

Шу маънода, жорий йил ўзининг мақсад ва вазифалари билан Болалар спортини ривожлантириш жамфармаси фаолиятида янги бир бос-

қич бўлиши муқаррар, десак, муболага бўлмайди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва қучли омили бўлиб келмоқда ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки, спорт — бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, деди Исло Каримов.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чуқур кириб боришига эришиш энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиб қолади, деди ўз сўзининг якунида Президентимиз.

Ийгилишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди ва келгуси 5 йил учун мўлжалланган режалар, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Мухоама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари Б.Зокиров, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамфармаси ижрочи директори Э.Искандаров, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Ийгилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Соғлом она ва бола — мамлакатимиз таянчи

Қ(1). Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194 маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига “Гўзаллик салонлари”, моддалар ателеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шохобчаларини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига катталар ва болалар кийимлари берилди.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо этиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини қўллайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунча қадар болаларга кўп тармоқли тиббиёт марказлари, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ҳамда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоятдаги (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари) болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, 38 туман


тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва турғуқ мажмуаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, 11 оилавий поликлиника ҳамда 244 қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. Бундан ташқари, Республика болалар таянч-харакат тизими касалликларни реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш-таъхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаториясини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлиқ марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илғор таъхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат поликлиникаси ва операция блоқи ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда болалар ва ҳомилалар аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, жумладан, Республика перинатал маркази, вилоят перинатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, 13 вилоят болалар кўп тармоқли марказлари, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек, уларнинг болалар ва ҳомилалар аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари моддий-техник базаси яхшиланади. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда 2016-2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 худудий филиали, Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилади.

Ҳомилалар аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомилалар аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ултраовушли скринингдан ўтказиш, 13 скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ултраовушли тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига кирди. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий қўриқдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада қучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий таъхис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий қўриқдан ўтишининг муҳимлигини тушунириш мақсадида кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутил-



(ЎЗА) сураги

ган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомилалар аёллар соғлигини сақлаш ва психологик аҳолини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш-лашни қучайтириш, уларнинг овқатланиш рақибон сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурда Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камид биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чўнончи, жорий йилда 5 мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

“Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш, “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ва ихтидорли болалар учун “Биз — мустақиллик фарзандларимиз” шиори остида тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил қилиш ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, уларнинг жононбўн ўлкаими тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билиминини бойитишга ёрдам беради.

Бўлажак оналар — қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-хўнара коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-хўнарага эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида “Бизнес-клублар” ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун “Менинг бизнес гоям” ва “Ёш тадбиркор — мамлакат таянчи” мавзуларида худудий ҳамда республика танловларини ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро

ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказларини, Тошкент вилоятидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги “Камолот” ёшлар боғини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини қучайтириш, мактаб-гача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тўдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебели, компютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади. 1,6 мингдан зиёд мактаб компютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-хўнара коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуна билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурида касб-хўнара коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2015-2016 ўйин йилида касб-хўнара коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли худуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиятини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Давлат дастурида дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада қучайтириш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакиллари кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган.

Мухтасар айтганда, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

ЎЗА

Ўқув-семинар

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан худудларда фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида «Фермер хўжалиқларида меҳнат муҳофазаси қилиш» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Фермер хўжалиқларида меҳнат муҳофазаси

Ушбу ўқув Жиззах вилоятининг Жиззах, Зарбдор, Зомин, Фаллаорол, Фориш, Бахмал, Пахтакор ва Дўстлик туманларида ҳам ўтказилди. Унда 1459 нафар фермер хўжалиғи раҳбари меҳнат муҳофазасига оид билимини мустаҳкамлади. Машуғуллар давомида фермер хўжалиқлари раҳбарларининг хавфсизлик техникасини таъминлашдаги мажбуриятлари, қўл остидаги ишчи-ҳодимларнинг меҳнат муҳофазасига қандайдиган таъсирини назорат қилиш, уларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб берилди.

Ўқув-семинар юзасидан қўшма қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ сизларни 2016 йил 16 март кuni соат 11:00 да бошлангич баҳоси босқича-босқича олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Наманган шаҳри, Беруний соҳили кўчаси, 8-уйда жойлашган Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси Наманган вилояти филиалига қарашли, филиал биносидан саккалтўртта: 1993 йилда и/ч, «ЭСПЕРО» русумли, д/б 16 АЕ 895 бўлган, таъмирталаб а/в 2 097 144 сўм, 2005 йилда и/ч, «ГБА СПГ НЕКСИЯ GLE» русумли, д/б 50 645 КАА бўлган, таъмирталаб а/в 6 337 997 сўм бошлангич баҳода кўйилмоқда.

Мажур автотранспорт воситалари 2016 йил 16 март кuni соат 11:00 да, такрорий аукцион савдолари 2016 йил 23-, 30 март ва 6-, 13 апрел кунлари соат 11:00 да ўтказилди.

Аукцион савдосига кўйилган мулклар билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мажур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кuni (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 га қадар (тушлик соат 12:00 дан 13:00 гача) куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 15 март кuni (такрорий савдолар учун мс равишда 2016 йил 22-, 29 март ва 5-, 12 апрел кунлари) соат 11:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йули» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИИН: 302948717, 2020800030332835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун аржа, қирдик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иктиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Кўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили: Савдо ташкилотчиси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ. Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 2-хона). Телефон: (0-369) 227-19-07, +99 890 642-85-05. Веб-сайт: www.autosavdo.uz. E-mail: info@autosavdo.uz. Гувоҳнома: №: 07183.

Бошлангич касба уюшма ташкилотларида

Жамоа шартномаси — амалда

Ижтимоий шерикликнинг зарур таркибий қисми жамоа шартномаси ҳисобланади, у манфаатдор тарафлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу кунларда барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари бажарилиши яқунларига бағишланган йиғилишлар қизгин паллага кирди. Шундай йиғилишлардан бири Бухоро вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасида ўтказилди.

Қайд этилганидек, ўтган йилда жамоа шартномаси орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилган. Натижада, бошқарманинг 70 нафар ходими иш берувчи ва касба уюшма ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган кўплаб имтиёз ва қарорлардан фойдаланиш имконига эга бўлди. Жумладан, эҳтиёжманд оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш

бўйича тариф сеткаларининг разряд коэффицентларини кўтариш, ходимлар ва улар оила аъзоларини турли сихат-гоҳларда дам олдириш, хавфсиз, қулай меҳнат шароитини яратиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ҳамда саҳҳатлар уюштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида ҳисоботлар тингланиб, жамоа шартномаси ижроси муҳокама этилди ҳамда Соғлом она ва бола йилида амалга ошириладиган муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.

З.САИДОВА,
Бухоро вилоят ФВБ бошлангич касба уюшма кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи

Оилавий спорт мусобақалари



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ жойларда «Соғлом оила» шиори остида ўтказиладиган оилавий спорт мусобақаларининг туман босқичи қизгин паллага кираётди.

Турли тармоқлар ва бир мақсад

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш, фарзандларимизни кичкиналигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилган мусобақаларда ота-она ҳамда 8-12 ёшли фарзандлардан иборат жамоалар «Чаққонлик ва мерганлик», тезлик, эпчиллик, бир жамоа эстафеталари, арқон тортиш мусобақаси, «Моҳир ҳужумчи», «Қадимимиз ростлаймиз, сакрашни болаймиз» каби шартлар асосида ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказишмоқда.

Ана шундай мусобақалардан бири пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган 41-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтди. Спартакиада Таълим, фан ва маданият ходимлари, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари Шайхонтоҳур туман кенгашлари, Тошкент шаҳар транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касба уюшма кўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида тумандаги турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи қизларга Республика болалар спортини ривожлантириш жамағармаси томонидан «Президент совгалари» тақдим этилди.

Мусобақада биринчи босқичда сараланган 13 оилавий жамоа таркибидан қирққа яқин ота-она ва уларнинг фарзандлари голиблик учун кураш олиб борди. Беллашувларни томоша қилиш учун жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи ёшлар ташриф буюрди.

Спорт мусобақалари оилалардаги иноқлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги мусобақа ҳам соғлом турмуш тарзи тарғиботида кичик ҳисса бўлиб қўшилса, ўзимизни бахтиёр санаймиз, — деди Таълим, фан ва маданият раиси Дилнора Улмасова.

Қизгин кечган беллашувлар якунига қура, ўғил болали оилалар ўртасида Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касба уюшма кўмитаси вакили — Туробжон Маҳмамовлар оиласи, қиз болали оилалар орасида эса Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши шарафини ҳимоя қилган Талгат Дольмизрзаевлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

— Ўртимизда спортни ривожлантиришга қаратиладиган эътибор ва ғамхўрлик барчамизни бирдай хурсанд қилади. Айниқса, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини сақлашда катта жонбозлик кўрсатаётган касба уюшма ташкилотларининг саъй-ҳаракати аъзоларда ташкилотга нисбатан ишончнинг мустаҳкамлаб бормоқда, — дейди ЎзФА Усумлик ва ҳайвонот олами генофонди институти катта илмий ходими, мусобақа голиби Туробжон Маҳмамов.

— Ҳар бир она фарзандининг соғлом ва баркамол бўлиб воғая этишини, элу юрт учун муносиб хизмат қилишини орзу қилади. Бугунгидай мусобақалар эса ана шундай эзгу орзулар ижобатини рўйбга чиқаришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди. Бундай спорт тадбирларининг оммақлаштирилган барчамиз манмуни, — деди оила бекаси Дилаба Ҳасимова.

Тенгдошларим билан мусобақалашиб маза қилдим. Спорт билан шуғулланишим бугун ҳам фойда берди. Галаба қозонганимиздан хурсанд бўлдим, — деди оиланинг бўлажак қалқони Туробжон Хусанбоев.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг дипломи ҳамда эсдалик совгалари тақдим этилди. Шунингдек, Собировлар оиласи (461-МТМ) «Энг чаққон оила», Пирматовлар оиласи «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Нурматовлар оиласи «Энг фаол оила» номинацияларида голиб дея эътироф этилди. Тақдирлаш маросими қуй ва қўшиқларга улашиб кетди.

Адахон АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири,
Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Бандлик

Ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари

Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бунда касба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Фаргона вилоятида жорий йил феврал-март ойларида коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўташи, кейинчалик ишга жойлашиши учун ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

Бешариқ кишлоқ хўжалик ҳамда Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган ярмаркада вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, тармоқ касба уюшмалари туман кенгашлари, шунингдек, тижорат банклари туман бўлимлари, иш берувчилар, коллеж битирувчилари қатнашди. Кишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида тадбиркорлик билан шуғулланувчи 17 нафар битирувчи туманда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиши учун сертификатлар топширилди. 100 нафарга яқин битирувчи ташкилот ва корхоналарда мавжуд иш ўринлари учун амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлашиши учун иш берувчилар билан тўрт томонлама шартномалар тузилди.

Ижтимоий-иқтисодий коллежида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланувчи 15 нафар битирувчи тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиши учун сертификатлар топширилди. 50 нафарга яқин битирувчининг ташкилот ва корхоналарда амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлашиши учун иш берувчилар билан шартномалар имзоланди.

Хилола МАМАЗИЯЕВА,
вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БҲИЙЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚҲИЙДАГИ ОБЪЕКТ БҲИЙЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № т/р | Объект номи | Бошлангич нархи ҚҚС билан (сум) | Бошлангич нархи ҚҚС сиз (сум) | Қурилиш муддати |
|-------|--|---------------------------------|-------------------------------|-----------------|
| 1 | Гулистон шаҳридаги Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси учун 3 қаватли маъмурий бино қурилиши | 2 458 426 193 сум | 2 048 688 495 сум | 180 кун |
| 2 | Гулистон шаҳридаги 7-сонли мактабни мукамал таъмирлаш | 1 156 130 467 сум | 963 442 056 сум | 180 кун |

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва табибей муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамағара маблағлари ҳисобидан.

Буюртамачининг манзили — Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон/факс: (0-367)-227-63-86, (0-367)-227-63-85.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилот қуйидаги талабларга мс келишлари керак: ҳисоб рақаминда танлов савдолари предмет кийиматининг камида 20% миқдордаги аяланма маблағлари бўлиши, ёки қўрсатиб ўтилган маблағга банк қароратмасини бўлиши, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникалий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибаи ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш таърибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйиладди.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича кводалар миқдори кичик биз-

нес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларига четдан ишлар (қизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат суммасига қўшиб ҳисобланган қўшимча қиймат солиғидан озод қилиб ҳисобланган танлов баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарэ вилояти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел.:(факс): (0-3672) 27-64-42. Бир тўпдан танлов ҳужжатларини нархи — 132 800 сўмдан 158 300 сўмгача. Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиши кuni ва соатига. Танлов савдоси матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарэ вилояти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

2016 йил 14 март кuni соат 15:30 да бошлангич баҳоси олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Адросиёб кўчаси, 26-уйда жойлашган «UzGazOil» МЧЖ балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1986 й, и/ч «КАМАЗ 35410» русумли, д/р 01 672 ОВА, бошлангич баҳоси — 8 502 000 сўм, 1986 й, и/ч «КАМАЗ 35410» русумли, д/р 01 673 ОВА, бошлангич баҳоси — 8 502 000 сўм, 1987 й, и/ч «МОДЕЛЬ 9674» русумли яримтракка, д/р 01 1671 АА, бошлангич баҳоси — 5 000 000 сўм.

2016 йил 14 март кuni соат 16:00 да бошлангич баҳоси олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 3-уйда жойлашган АТ «Халк Банк» балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2009 й, и/ч «Erisa» русумли, д/р 01 372 WDA, бошлангич баҳоси — 53 488 785,95 сўм, 2009 й, и/ч «Lacetti» русумли, д/р 01 170 BBA, бошлангич баҳоси — 48 054 018,62 сўм, 2001 й, и/ч «Damas» русумли, д/р 01 669 MCA, бошлангич баҳоси — 16 240 004,13 сўм.

Аукцион савдоси голиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорда комиссиясига илтимос туланади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 14 март кuni соат 16:00 да бошлангич баҳоси олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдолари ҳар харфтининг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар рас-

сий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризалар қабул қилиш 2016 йил 11 март кuni соат 15:30 ва 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзоланган сўнг «UzGazOil» МЧЖ автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) ва АТ «Халк Банк» автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktions Invest» МЧЖнинг ОАТ «Туроб» банк Янбод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 2020800004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иктиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Янбод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67. Гувоҳнома: № 004059.


Хизматлар лицензияланган.

«Ўзгеобургу нефтгаз» акциядорлик компанияси Бошқаруви ва бирлашган касба уюшмалари кўмитаси «Қашқадарё нефтгаз қурилиш-таъмирлаш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Қарамон Султоновга онаси **Ойгул момо АМИРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ушбу хабарни эълон қилди.

Молия муассасаларида

Кичик бизнесга мустақкам қанот



Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: «Ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа — одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича аввало муҳим ислохотларни амалга ошириш йўлида қатта қадам бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор», дейилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган бир паллада иқтисодиётнинг барча тармоқлари томонидан юқори кўрсаткичларнинг забот этилган юридиллаётган оқилона сиёсат ва меҳнаткаш халқимизнинг юксак азму шижоати самарасидир.

Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг муҳим бўлини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин ривожланиши учун кенг йўл очиб беришга, шу орқали мамлакатимиздаги мавжуд тармоқлар фаолият доирасининг кенгайтиришга қатъий эътибор берилмоқда. Юртимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бири Ипотека-банкнинг ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирган сармоялари 861 млрд. сўмдан ортиб, бу борада қилинган ишлар яна бир поғонага ўсди.

Мазкур муассаса томонидан жалб этилаётган сармоялар миқдорининг юқорилиги мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, ишбилармон юрдошларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркор ва кичик бизнес давлатларнинг аҳолини иш билан таъминлашда ўрни беқис.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ишлар таъмин қилади. Ташаббускор, илгор гояларга бой, ҳар томонлама баркамол, жиҳсонан соғлом, теран тафаккурга эга, замонавий билимлари чўқур эгаллаган, ҳозирда талаб қатта бўлган касб-хўналарнинг сир-асоридан боҳабар ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали эртанги кунимизнинг мустақкам пойдеворини яратиш имконини қўлга киритиш зарур бўлиб қолди. Жумладан, 2015 йилнинг ўзига 480 миңдан ортиқ касб-хўнар коллежи битирувчилари иш билан таъминланган бўлса, 2016 йилда 510 миңдан ортиқ битирувчиларга барча шарт-шароитга эга иш ўринлари яратиш бош мезон қилиб олинган. Зимдан назар солсак, аниқ мақсадли, тез самара берадиган бизнес лойиҳаларига эга ёшлар кўпчилиги таъмин этилди. Тақдим этилаётган лойиҳалар билан тез-тез

сатларда танишиб қичиб, керакли банк хизматларини кўрсатиш борасида ҳам Ипотека-банк фаолияти намуна бўлишга арзирли. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Фармони ижроси юзасидан касб-хўнар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларига сармоялар йўналтиришда «Ипотека-банк» акционерлик тижорат ипотека банки илдамликни қўлдан бермай келмоқда. Ушбу молия муассасаси ажратётган сармоялар ҳисобига бунёд бўлаётган корхоналарда касб-хўнар коллежи битирувчилари учун мунтазам янги иш ўринлари яратилаётгани, аниққиса, диққатга сазовор. Ёшларни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқунланган йилнинг ўзига банк сармоялари ҳисобига 850 дан ортиқ йигит-қизлар ўз бизнес лойиҳалари асосида иш бошлаш имкониятига эга бўлди.

Беҳзод ОБИДОВ, «Lamak biznes» МЧЖ раҳбари:

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз бизнес лойиҳам билан Ипотека-банкнинг Тошкент вилоят филиали амалиёт бошқармасига мурожаат қилдим. Банк ходимлари лойиҳамни тез фурсатда кўриб чиқиб, Эронда ишлаб чиқарилган, қандолат маҳсулотларининг бир неча хилини тайёрлашга мўлжалланган жиҳозларни сотиб олишимиз учун 90 млн. сўм миқдорига кредит ажратди. Ҳозирда маҳсулотларимиз дўкон ва бозорларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. Кунига 100 кг. га яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз.

Шунингдек, фаолиятимиз қўламини кенгайтириб, корхонамиз қошида парранда гўшти ва туҳум етиштиришни йўлга қўйдик. Бу соҳани етти хазинанинг бири, деб бекорга айтишмаган экан. Соғлигимиз учун жудаям фойдали маҳсулотлардан ҳисобланган бедана туҳуми ва гўштини кенг қўламда етказиб бermoқдамиз. Ушбу фаолият шаклланиши баробарида, 3 та янги иш ўрни яратилди. Бир кеча-кундузда 10 миңг дон бедана туҳуми ва мавсумга қараб бедана гўштини етказиб берамиз. Ҳозирда тенгдошларимиз ҳам ушбу фаолиятга жалб қилиб, халқимиз дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб беришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаёмиз.

Ҳасан ҒАНИХОҲОВ, «Greenplastmed» МЧЖ раҳбари:

— Фаолиятимизни ташкил қилишда ишни даставвал ички бозорда талаб қатта бўлган маҳсулот турлари билан танишишдан бошладик. Шунга кўра, корхонамиз асосан ҳозирда талаб қатта бўлган санитария-гигиена воситалари — баҳила, полиетилен қалпоқчалар, бир марта ишлатиладиган кўпқоплар ва халатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Фаолиятимизни ташкил қилишда 2013 йил Ипотека-банкнинг Яқасарой филиалидан олган 150 млн. сўм миқдорига молиявий кўмакка таяндик. 2015 йилда Ҳитойда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар сотиб олиш учун мурожаат қилганимизда банк томонидан ажратилган

200 млн. сўм миқдорига сармояга эга бўлдик. Ҳозирда юртимизнинг деярли барча шифохоналари, умумий овқатланиш муассасалари ва боғча, мактаблар, қолаверса, жамоат жойларида санитария-гигиена ҳолатини яхшилашда маҳсулотларимизнинг ҳамма турларидан кенг қўламда фойдаланишмоқда. Корхонамизда 10 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Инновацион технология ютуқларини амалга кенг татбиқ этиш орқали маҳсулотларимиз турини кўпайтираёмиз. Ишбилармонлар фаолиятини баҳоловчи қатор сертификатларни қўлга киритдик. Ишлаб чиқаришда инсон саломатлиги учун хавфсиз, экологик тоза хомашёдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўз ўрнида, Ипотека-банкнинг Яқасарой филиали билан молиявий ҳамкорликни давом эттирган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, қолаверса, таъқи бозорда муносиб ўрнимизни топиш ниятидамыз.

Сирож ЖАББОРОВ, «Урганч Жасмин-савдо» МЧЖ раҳбари:

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда кичик бизнес субъектларига яратилаётган кенг имкониятлардан мақсадли фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Элимиз дастурхонини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2015 йил Ипотека-банкнинг Хоразм вилоят филиали томонидан ажратилган 31 млн. сўм миқдорига сармоя ҳисобига ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Натижада, корхонамиз қошида 3 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда бу ерда нон, ширин қулча ва булочкаларнинг 10 дан ортиқ тури тайёрланади. Дастурхонимиз кўрчи бўлиши нон серовилиги турмуш фаровонлиги билан ўлчанамди. Парҳездигар учун алоҳида нон турлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот сифати устидан қули назорат ўрнатилган. Маҳсулотимизга ниҳоятда талаб қатта. Молиявий кўрсаткичларнинг мустақкамланиши иш фаолиятимиз қўламини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон яратди, деб ўйлайман. Банк томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тежороллиги, яратилган қулай шарт-шароит ҳамкор танлашда адашмаганимиздан далолат беради.

ҳолатига кўра, касб-хўнар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун турли тармоқларга 857 та кредит ажратилиб, 20 млрд. сўмдан ортиқ сармоя йўналтирилди. Кўриниб турибдики, банк томонидан узоқни қўлаб амалга оширилаётган кредит сиёсати жойларда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Банк томонидан йўналтирилаётган сармоялар эвазига республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам ўз бизнесини бошлаётган юрдошларимиз олий ўқув юртлари ва касб-хўнар коллежлари битирувчилари учун муносиб иш ўрни яратиш, иқтисодиётимиз раванқига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида 98, Самарқанд вилоятида 65, Жиззах вилоятида 86 нафар йигит-қиз мазкур банк сармоялари ҳисобидан ўз бизнесини йўлга қўйди. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, банк ишбилармонлик қобилиятига эга ёшларнинг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиб берган. Уларни иқтисодиётимизнинг турли тармоқларини ривожлантиришга кенг жалб этиш, ташаббусларини амалда намोён этишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини шакллантиришда ҳам банк қулай ҳамкорлик муҳитини яратиб берган.

Ипотека-банк ўз фаолияти доирасида замонавий банк хизматлари қўламини кенгайтириш ҳамда кичик бизнес вақилларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга эндигина бизнес оламига кириб келаятган ёшларга мустақкам молиявий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Банк материаллари асосида «Ishonch» мухбири Салим АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.



Реклама ўрнида

Тадбир

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган қасаба уюшмаси ва «Ижтимоий фикр» маркази томонидан буюк ишқдор болаларимиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ЭҲТИРОМ

Тадбирда «Ижтимоий фикр» маркази ходимлари Рината Мирзаева ва Зиёда Ҳақимова «Алишер Навоий асарларида бунёдкорлик ва эзгулик гоялари», «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди» мавзуларида маъруза қилишди. Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоий ва Мирзо Бобурнинг инсоний қомиллиги, одоб-ахлоқ, бегубор ва покиза туйғулари улугланган асарлари билан дўст тутиниш ниҳоятда фойдали эканлиги таъкидланди. Шу боис уларнинг ижод намуналарини жаҳоннинг қўллаб-қувватлаган таржима қилинаётгани, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан қатта қизиқиш билан ўрганилаётгани эътироф этилди.

Маърифий кеча шеър-хонлиқа улашиб кетди. Фаол иштирокчиларга улуг шоирларнинг китоблари совға қилинди.

Ўз мухбиримиз



«1»

Мўъжаз бир фазалда яхлит бадий лавҳани юзага келтириб, ундаги байтларни бошдан-охир ягона гоёвий мақсад талабларига мувофиқ шаклда тизиб — у, ҳеч шубҳасиз, шоирдан малака ва маҳоратни талаб қилади. Бобур ўзбек шоирлари орасида биринчилардан бўлиб Навоийга хос бу хусусиятни теран фаҳм этди ва ўзи ҳам устоз йўлидан боришга дадил интилди. Бобурнинг арузга бағишланган рисоласида ушбу масалага оид характерли маълумотлар бор. У Навоий фазаларидидаги фикрий яхлитлигини бир неча бор қайд этган. Бир ўринда эса Навоийнинг шундай фазаларидан биттаси келтирилиб, унга «Бошдин-оёқ бу фазалда бир ҳикоя манзум бўлган», деб изоҳ ҳам берган.

Шеърда гоёвий бутунликка эришишни Бобур бадийликнинг асосий шартларидан бири деб билган. Бу жиҳатдан у Навоийга муносиб издощ. Шунинг учун унинг фазалиётидагина эмас, рубоий, қитъа, туюқлари орасида ҳам мантиқий изчилликдан маҳрум пароканда оҳангларда битилган шеър учрамайди.

«Бобур рубоийлари, — деган эди Ойбек, — унинг поэзиясининг чўққисидир... Умар Ҳайёмнинг рубоийлари каби унинг рубоийлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукамал...» Бобур рубоийлари Шарқ рубоийчилигидаги янги бир саҳифа эди. Лекин у бу вазифани ҳам аввало Навоийдан пухта ўрганди. Алишер Навоий ру-

Эзгуликдан юксалган чўққи

бойларидан бирида ғариблик туйғусини мана бу шаклда ифода этган:

Мунглир бошим остидаги тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидан кўзимда ёшимниму дей?
Улмақдин саъброқ маошимниму дей?

Бобур Навоийнинг мазкур рубоийсига пайравлик қилади ва ёзади:

Гурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Ё ҳажр чикоргон оху сардимниму дей?
Ҳолинг не дурур билурмисен дардимни,
Ҳолинг сўрайму, йўқса дардимниму дей?

Навоий тўрт сатрли бир шеърда инсоннинг ички кечинмаларини очади, маънавий-руҳий ҳолатини акс эттиради, ҳам моҳир расом назари билан унинг таъқи қиёфасини кўрсатади. Гап шундаки, Бобур яратган тўртлик ҳам ўзига хос ички руҳи, маъно товланиши жиҳатидан мутлақо оригинал шеър даражасига етказилган. Бобур Навоий рубоийларидан илҳомланиб қатор-қатор тўртликлар яратган. Аммо бирор вақт ҳам ижодийликдан чекинмаган. Шунинг учун бўлса керак, у кўпчилик гўё устози билан шеърий мусо-

бақага киришганга ўхшайди, гўё Навоий яратган оҳангларга қараб саз пардаларини мослағандай бўлади. Масалан, қуйдаги рубоий Навоий қаламига мансуб:

Юз меҳнату ғам кўнгулма еткурди фироқ,
Жонимга балову дард ўқин урди фироқ,
Жисминим фано ўтига куйдирди фироқ,
Чун куйди, қулини кўкка совурди фироқ.

Мана бунисини эса Бобур ёзган:
Андин бериким қасдим учук турди фироқ,
Юз дарду аламини манга еткурди фироқ,
Мени эшигингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.

Бу рубоийлар айрилиқ ҳақида. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўз ёшлари билан битилган қайғули фироқномалардир. Бобурнинг ҳижрон ҳис-туйғулари дарж этилган шеърлари кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири унинг «фироқ» радибли рубоийсига ўхшамайди. Чунки бу рубоий бевосита Навоий таъсирида ёзилган. Бу гап ҳам мазмунга, ҳам шаклга тегишли. Навоий фикр ифодасида қандай йўл тутган бўлса, Бобур ҳам шу

йўлдан боради. Навоий рубоийда радиф сифатида «фироқ» сўзини қўллаган. Шак-шубҳа йўқки, мазкур рубоийлардан бирининг юзага келишида иккинчи бири гоёвий-бадий жиҳатдан сезиларли рол бажарган. Шунга қарамадан, уларнинг ҳар бири ўзича мустақил ва гўзал асардир. Навоий қўйлаган фироқ, мазмун-моҳияти билан кўпроқ аънавий характерга эга. Бобур уни ватан туйғуси билан боғлаган.

Рус адаби К.Паустовскийнинг шундай гапи бор: «Деярли ҳар бир санъаткорнинг ўз илҳомчиси, яхши даҳоси бордирки, у ҳам оддий қаламкашидир. Ана шу илҳомчининг китобидан ақалли рубо неча сатр ўқилса, бас, одам қўлига қалам олгисини келиб қолади...» Бобурнинг илҳомчиси бўлган ана шундай даҳо Алишер Навоий эди. У Навоий рубоийлари таъсирида қўлига қайта-қайта қалам олган.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронда жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуон каби қарорим йўқтур,
Сарғашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Энди Бобур ёзади:
Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳза бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим билра,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бу рубоийларда тасвир усули ўхшаш. Вазн, радиф бир хил. Навоий шеърда ҳижрон дарди билан жони ўртанган сарғашта ошқининг қалб ҳасратини поэтиклаштирган. Бобур рубоийсининг гоёвий негизда ҳам айрилиқ, ҳижрон туйғуси ётади. Бироқ унда ижтимоий ранг қуюқ, яъни ёр билан баробар диёр қайғуси ҳам асосий ўринда талқин этилган.

Алишер Навоий қайси мавзуда рубоий ёзмайсин, албатта, унинг ўзига хос ва бетакрор оҳангини топган. Бошқача қилиб айтганда, шоир рубоийларида мазмун ва оҳанг ягона тўлқинда оқиб, оҳанг фикрга, фикр оҳангга қуч бағишлайди. Кузатишлардан шу нарса маълумки, Навоий рубоийларидаги афсусли оҳанглар Бобур қалбига акс-садо уйғотган. Хуллас, Бобур Навоийга энг муносиб шоғирдидир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

Буюк аждодларимиз

ШОИРЛАР СУЛТони ВА СУЛТОНЛАР ШОИРИ

«Ботаника» санаторийсидан ўзбек мумтоз адабиётининг икки буюк намояندаси Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган «Шоирлар султони ва султонлар шоири» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда сиҳаттоҳ ходимлари ва дам олувчилар иштирок эттишти.

Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-усулбий марказининг маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси Маҳмуда Мурзаева Навоий ва Бобур ҳаёти

ҳамда ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шўқур Қурбон улуг шоирлар поэзиясининг ўзига хос жи-

хатлари ҳақида сўз юритиб, уларнинг фазал ва рубоийлари ҳамда ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Тадбир ййигиланларда қатта таассурот қолдирди.

Шунингдек, «Турон» ва «Чинобод» санаторийларида буюк сиймоларимизга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi logo and contact information.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdullaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUDDUQLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-95) 502-68-99. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-02

Navbatchi muharrir: A.Qodirova. Navbatchi: S.Abdurahmonov. Musahhirlar: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdullajilov. Boshiga topshirish vaqti: 20:50. Topshirildi: 21:20. 1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonada manzili: Buxoro Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma f - 215. 21870 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133